



Совет ҳукуматига карши қуролли қўзғолон ёки аксилинкилобий мақсадларда ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР фуқаролари бўлган 240 нафар шахсга оид жиноят иши Олий суд томонидан қўриб чиқилди.



Совет ҳукуматига карши қуролли қўзғолон ёки аксилинкилобий мақсадларда ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР фуқаролари бўлган 240 нафар шахсга оид жиноят иши Олий суд томонидан қўриб чиқилди.

Тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, сургун ва катагонга дучор бўлган ватандошларни аниқлаш, уларнинг номини оклаш йўлида изчил ишлар давом этмокда.

24 август куни Олий судда совет давридаги «Учлик Кенгаши»нинг махсус йиғилиш қарорларига қўра, 1929-1931 йилларда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида «босмачилик ҳаракати»да, қуролли тўда тузиб, совет ҳукуматига карши қуролли қўзғолон ёки аксилинкилобий мақсадларда ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР фуқаролари бўлган 240 нафар шахсга оид жиноят иши қўриб чиқилди.

Бош прокурор ўринбосари томонидан бу иш юзасидан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция протестини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибида протестлар келтирилди.

Очик суд мажлисида ушбу илтимосномалар ва протестлар қўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан 240 нафар шахсга нисбатан Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди.

Олий суднинг ҳукми билан реабилитация қилиниб, оқланган катагон қурбонлари рўйхати хабарда келтирилган.